

»» Президент

ПРЕЗИДЕНТ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ



Қасим-Жұмарт Тұқаев Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитини кўхна Будапешт шаҳрида юксак савияда уштиргани учун Венгрия Бош вазири Виктор Орбанга миннатдорчилик билдирди.

– Бугунги йигинининг Европада ўтишида чуқур маъно мужасам. Биз Венгриянинг қадимий қитъада ўз мавқеига эга давлат эканлигидан мамнунмиз. Бугун барчамизни туби бир туркий қардошлар сифатида кучок очиб қарши олмоқдасизлар. Биз дўстлиги ярашган мамлакатларимизнинг бирлигини мустаҳкамлаб, илдизи ягона тарихимиз ҳамда урф-одатларимизни қадрлаб келмоқдамиз, – деди Давлат раҳбари.

Президентнинг таъкидлашича, “Шарқ ва Ғарб учрашган чоғ” деб номланган саммит бепоён минтақани эгаллаган туркий давлатлар манфаати, стратегик мақсад-вазифаларига мос келади. Ҳозирги мураккаб геосиёсий вазиятда ташкилот доирасидаги ҳамжихатликнинг аҳамияти янада ортди. Ўз навбатида Қасим-Жумарт Тўқаев туркий оламнинг тотувлиги ва ўзаро алоқасини кучайтириш, яхлитлигини мустаҳкамлаш мақсадида Қозоғистон Республикаси қабуллаган мажмуавий тадбирларга тўхталди.

– Таъкидлаш жоизки, Туркий давлатлар ташкилоти қошида Қозоғистоннинг Доимий вакили тайинланган. Яқин орада Доимий ваколатхона очишни режаллаган

миз. Астанада 11-12 июнь кунлари Туркий давлатлар Парламент Ассамблеясининг XIV пленар мажлиси ўтади. Ақтов шаҳри жорий йил Туркий оламнинг маданый пойтахти, деб эълон қилинди. Ушбу нуфузли вазифани юксак савияда бажариш учун аниқ тадбирларни белгилаб олди. Қозоғистоннинг ташаббуси билан ўтган ҳафтада Марказий сайлов органларининг маслаҳат дастури ташкил этилди. Унинг илк мажлиси Туркистон шаҳрида муваффақиятли ўтди. Алмати шаҳри Туркий давлатлар ташкилотининг “Ёшлар пойтахти” мақомига эга бўлди, – деди Президент.

Давлат раҳбари сўнгги пайтдаги тарифга оид жараёнлар савдо сиёсатидаги ўта улкан ўзгаришларга сабаб бўлганига эътибор қаратди. Президент бу каби кескин ўзгаришлар турли хавф-хатарларни юзага келтириш баробарида янги имкониятларга йўл очишини айтиб, саноат, транспорт-транзит, қишлоқ хўжалиги, рақамлаштириш сингари йўналиш бўйича ҳамкорликда иш юритишни таклиф қилди.

Қасим-Жумарт Тўқаев Ўрта дахлизни Шарқ ва Ғарб орасидаги асосий кўприкка айлантиришни стратегик вазифа сифатида

атаб ўтди. Президент Қирғизистон ва Ўзбекистон билан чегарадаги ҳужжатлаштириш жараёнларини рақамлаштириш, юк транзитини оsonлаштириш учун аниқ тадбирлар қабул қилинаётгани, шунингдек, Қозоғистон-Хитой чегарасида учинчи темирйўл бекатини очиш режаланаётганини маълум қилди. Бундан ташқари, Давлат раҳбари қардош давлатларни йирик инфратузилмавий лойиҳаларни ҳамкорликда амалга оширишга, транспорт қатнови ривожлантиришга қақирди. Мазкур лойиҳа туркий мамлакатларнинг минтақавий транзит хаби сифатидаги ўрнини имкон қадар кучайтиради.

Президент нефть, газ, уран ва бошқа маҳсулотларни етказиб бериш ишини мукаммаллаштиришда Ташкилотнинг мавқеидан фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратди. Ўз навбатида Қозоғистондан Европа йўналишида нефть етказишни орттириш лойиҳасини қўллагани учун Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевга миннатдорчилик билдирди.

Бундан ташқари, Қасим-Жумарт Тўқаев сўнгги вақтда халқаро таҳлилчилар Транскаспий нефть ва газ қувурларини тортиш ташаббусини муҳокама қилишётганини таъкидлаб, бу каби лойиҳалар жуда кенг қамровли ва трансмиллий даражадаги ҳамкорлики талаб қилишини уқтирди.

Давлат раҳбарининг гапларига

қараганда, рақамлаштириш ва ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорликининг келажаги порлоқ. Бу йил мамлакатимиз Каспий денгизи орқали оптик-тонали кабель тортиш лойиҳасини амалга ошира бошлайди. Натижада, минтақада рақамли алоқа кучаяди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Қасим-Жумарт Тўқаев Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича Испом ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилоти орасидаги ҳамкорликини кучайтиришнинг аҳамиятига тўхталди.

Саммитда Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, Қирғизистон Президенти Саидр Жапаров, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Туркия Президенти Ражаб Тоййиб Эрдоғон, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва ТДТ Бош котиби Кубаничбек Умиравлев маъруза қилди.

Давлат раҳбарлари саммит якунида “Туркий давлатлар ташкилотининг Будапешт декларацияси”, “Давлат раҳбарлари кенгашининг Афғонистон бўйича мурожаати”, “Ўзбекистон Республикасини Туркийлар маданияти ва мероси жамғармасига қўшиш тўғрисидаги қарор” ва “Туркий давлатлар ташкилоти Бош котибининг ваколат муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор каби ҳужжатларни қабул қилишди.

Akorda.kz.



МАКТАБЛАРДА СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ ЖАРАНГ СОЧДИ

Kazinform. Кеча, 23 май куни Қозоғистонда ўқув йили якунланди. Барча таълим муассасаларида тантанали йиғилишлар бўлиб ўтди.

Мамлакат бўйлаб 3,9 миллиондан ортиқ ўқувчи анъанавий 34 ҳафталик ўқув йилини якунлади. Улардан 391 минг нафари бошланғич синфларда, 364 минг нафари асосий мактабларда таҳсил олишди.

217 мингдан ортиқ ўн биринчи синф ўқувчилари – битирувчилар мактаб билан хайрлашди.

Ўқишнинг сўнгги кунинда Қозоғистондаги барча мактабларда «Билимим – Ватанимга» шиори остида ягона синф соати ўтказилди.

Бундан ташқари, ўқитувчилар кенгаши қарорига мувофиқ мактаб битирувчиларига бағишланган «Мактабим, сенга таъзим!» тантанали тадбири ўтказилди.

Аттестат топшириш тантаналарини 18-20 июнь кунлари ўтказиш режалаштирилган.

9- ва 11-синф битирувчилари учун якуний имтиҳонлар 29 майдан 16 июнга қадар ўтказилади.

ЎҚУВЧИ ҚИЗ ДУНЁНИНГ 36та ЕТАКЧИ УНИВЕРСИТЕТИДАН ТАКЛИФНОМА ОЛДИ



Kazinform. Сарпоғоч туманидаги Тўлебей номидаги 7-сонли умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Ақжунис Атахан дунёнинг 36та нуфузли университетларидан ўқишга таклифнома олди.

Ақжунис тинимсиз изланишлари туфайли юксак муваффақиятларга эришди. У АҚШ, Канада, Дубай, Туркия, Малайзия университетларига ҳужжат топширган ва уларнинг барчасидан таклифнома олган. Улар орасида АҚШнинг 17та, Дубайнинг 5та, Туркиянинг 6та, Малайзиянинг 5та университетлари унга махсус грантлар тақдим этган бўлса, Канададаги битта университет уни президент стипендияси билан ўқишга қабул қилган.

– Ягона миллий тест синовларида 111 балл тўплаган Ақжунис халқаро муносабатлар йўналиши бўйича мутахассисликини танламоқда. У мазкур таълим даргоҳида хорижий университетлардан қўллаб таклифнома олган биринчи ўқувчи. Ақжунис Атахан келажакда халқаро андазаларга мос таълим олиб, мамлакат тараққиётига ҳисса қўишини мақсад қилган, – дея хабар беради Туркистон вилояти таълим бошқармасининг матбуот хизмати.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

ТУРКИСТОН ШАҲРИДА МИЛЛИЙ САНЪАТ ОММАЛАШТИРИЛАДИ

Оламга машҳур бургут ўргатувчи қиз Туркистон шаҳрида сайёҳликини ривожлантиришга ёрдам беради.



Айшўлпан Нургайип минтақада қуш тарбиялаш ижодига оид музей очиб, ёшларга санъатдан сабоқ бериш ниятида. Айшўлпан америкалик режиссёр Отто Беллинг 30та давлатда намойиш этилган ҳужжатли фильми туфайли машҳур бўлди. Фильм чиққандан сўнг Мўғулистонда таваллуд топган қизнинг ҳаёти тубдан ўзгарди. Нью Йоркда унга “Жасур осийлик қиз” мукофотини топширишди.

Айшўлпаннинг тан олишича, у узок вақтдан буён миллий ўзига хослик билан чамбарчас боғлиқ қадриятларни ривожлантиришни орзу қилган. Шунинг учун у Туркистонни танлади. Эндilikда у этноовул мажмуасида музей очиб, санъатни оммалаштиради. Музейдан ташқари, миллий либослар намойиши, от ёки туя миниб, қўлингизга бургут туттиб, този ит билан суратга тушиш имкониятларини таклиф этмоқчи.

Kazinform.

ИССИҚЛИК БИЛАН УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАНАДИ



ерда сармоядорларга тавсия қилинаётган имтиёзлар ва янги лойиҳалар тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

Бош вазир маслаҳатчисининг хизмат сафари Кентов шаҳрида давом этди. Дастлаб, трансфор-

матор заводидидаги иш жараёни билан танишди. Сўнг, “Жылу” энергия марказига борди. У ерда олиб борилаётган таъмирлаш ишларини кўздан кечириб, аҳолини иссиқлик қуввати билан узлуксиз таъминлаш зарурлигини

таъкидлади. Ермек Маржипаев амалга оширилаётган ишларга ижобий баҳо бериб, вилоят тараққиёти учун ҳар томонлама кўмак кўрсатилишини таъкидлади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси Ермек Маржипаев вилоятимизга хизмат сафари доирасида минтақаниннг 2025-2026 йиллардаги иситиш мавсумига тайёргарлиги билан танишди. Сафар давомида у қатор иншоотларни оралаб, “Жылу” давлат коммунал корхонасининг фаолияти билан танишди.

Корхона 2009 йилдан буён шаҳардаги кўп қаватли уйлар ва ижтимоий иншоотларни иссиқлик билан таъминлаб келмоқда. Ҳозирги кунда қозонхона ва узунлиги 56 қақиримни ташкил этувчи тармоқ билан иш юритилмоқда. Жами 223та кўп қаватли, 18та бюджет ташкилоти, 55та тадбиркорлик иншооти ва 36та хусусий уй марказлаштирилган иссиқлик энергияси манбаи билан таъминланган. Бундан ташқари, «TURAN» махсус иқтисодий минтақасига бориб, инфратузилмавий лойиҳаларнинг амалга оширилиши билан танишди. Бу



СУВНИ ТЕЖАШ – ДАВР ТАЛАБИ

Сув тежовчи технологияларни жорий этиш сув сарфини камайтириб, ҳосилдорликни ошириш, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш имконини беради. Давлат раҳбари топшириғига мувофиқ, вилоятда суғориладиган ерлар ҳажмини ошириш борасида қизғин ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров раислигида ўтган йиғилишда бу борадаги ишлар атрофлича муҳокама қилинди. 2030 йилга қадар минтақада сувни тежаш технологияларини 126,3 минг гектарда жорий этиш режаланган.

Жорий йилга 27 минг гектар майдонга сув тежовчи технологияларни жорий этиш режаси тасдиқланган. Хусусан, барча имкониятлар эътиборга олинаиб, режа ҳажми 2 баравар ўсди. Бундан ташқари, хорижий сармоядорнинг иштироки билан янги технология 32 минг гектарга жорий этилди.

Трансчегаравий сувга қарамликни камайтириш мақсадида янги технологияларни жанубий туманларда 24 минг гектарда жорий этиш режаланмоқда.

Вилоят ҳокими белгиланган суғориладиган ер майдонидан тўғри фойдаланиш давлатимиз раҳбари томонидан тақлиф этилган юқори рентабелли экинлар етиштиришга ўтиш, импорт ўрнини босиш, суғориладиган ерлар майдонини босқич-

ма-босқич кўпайтириш доирасида белгиланган вазифаларни бажариш имконини беришини таъкидлади. Бинобарин, илғор технологиялар ва замонавий сув тежаш тизимларини жорий этиш давр талабидир. Туркистон минтақасида сув танқислигини бартараф этиш мақсадида “Бейдибек ата” ва “Қарақуыс” сув омборларида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. “Боралдай” ва “Иқансу” омборларини қуриш лойиҳалари ҳам ишлаб чиқилган. Лойиҳалар тўлиқ амалга оширилса, “Бөген” сув омборига қўшимча 120,3 миллион м3 тонна оқин сув муаммоси ҳал қилинади.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

ЯНГИ САРМОЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Вилоятда саноат корхоналарини барпо этиш, сармоя жалб этиш йўналишида ишлар давом этмоқда. Вилоят ҳокими Н. Кўшеров сармоядорлар гуруҳи билан учрашиб, шу масалалар хусусида фикр юритди.

– Туркистон вилоятини атрофлича тараққий эттириш вазифаси олдимизда кўндаланг турибди. Сармоявий муҳит яхши, тўлиқ қўллов кўрсатилади. Шунингдек, биз инфратузилмани ривожлантириш, ичимли сув тармоқларини созлаш йўналишидаги лойиҳаларни амалга оширишга масъулмиз. Учрашувда айтилган тақлифлар тадқиқ этилиб, тегишли ишлар бошланишига ишончим комил, – деди у.



Имкониятлари кенг сармоядор қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни амалга ошириши мумкин. Жумладан, сув қувурларини ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи корхона вакиллари ҳам учрашувда иштирок этиб, лойиҳалар ижросига тўхталди.

Дарвоқе, вилоятга йил бошидан буён 196,5 млрд. тенге сармоя жалб этилган. Бу ўтган йилнинг шу даври билан қиёсланганда 1,5 ҳисса юқори.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

САМАРАЛИ УЧРАШУВ

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИ РАИСИ НУРАЛИ АБИШОВ
ТУМАН ВА ШАҲАР МАСЛАҲАТИ РАИСЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

ҚР Парламенти Сенати раиси Маулен Ашимбаев раислигида ўтган “Ягона давлат – ягона мақсад” депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида кўтарилган долзарб масалаларга эътибор қаратилди. Мамлакатимизда тинчлик ва тотувликни янада мустаҳкамлаш, Ассамблеянинг сиёсий ва тарихий аҳамияти батафсил баён қилинди.



Учрашувнинг асосий мақсади элимизда тотувлик ва бирдамликни сақлаш, депутатлик корпуси фаолиятини жамоат ва этномаданият бирлашмалари билан ҳамкорликда муҳокама қилиш ва мувофиқлаштиришдан иборат эди.

Н. Абишов бу борада маслаҳат раислари ва депутатларнинг муҳим ўрни мавжудлигини таъкидлади.

– Аҳолининг ишончи юксак масъулият талаб қилади. Унга бефарқлик депутатга хос хусусият эмас. Шунинг учун халқ ноиблари барча ишда фаол бўлишлари керак. Чунки ҳар бир депутатда унга ишонадиган сайловчилар бор. “Ягона давлат – ягона мақсад” иборасининг ўзи айнан шуни англатади. Мамлакат

бирлиги ва тотувлигини мустаҳкамлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи ва вазифаси. ҚР Парламенти Сенати раиси Маулен Ашимбаев, ҚР Давлат маслаҳатчиси Ерлан Қарин билан учрашувларда жамиятдаги этносиёсий вазият, ички барқарорлик, тотувлик ва ҳамкорлик қадриятларини юксалтириш масалалари муҳокама қилинди. Биз ҳам бу борада масъулият ҳис қилишимиз керак. Шу боис, сизларни ушбу соҳаларда самарали фаолият юритишга даъват этаман, – деди Нурали Алмаханули.

Шунингдек, йиғилишда аҳоли манзилларига ном бериш, ёдгорликлар ўрнатиш тартиби ва депутатлар одоби муҳокама қилинди. Бу ҳақда вилоят маданият бошқармасининг тилларни ривожлантириш ва ономастика бўлими

раҳбари Нургўл Жақсиликowa, тарихий ва маданий қадриятларни муҳофаза қилиш бўлими раҳбари Омар Жексенбаев ҳамда вилоят маслаҳати девони раҳбари Мақсат Исаевлар ўз фикрларини баён қилдилар.

Йиғилишда туман ва шаҳарлардаги аҳоли манзилларини сифатли электр энергияси билан таъминлаш юзасидан “Оңтүстік Жарық Транзит” МЧБ билан ишларни мувофиқлаштириш, депутатлар малакасини оширишга қаратилган “Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш институти самарадорлигини ошириш” семинари, кичик футбол турнирини ўтказиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Туркистон вилоят
маслаҳати.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КҮН ТАРТИБИДА

Сайрам тумани ҳокими Арман Сабитов раислигида ўтган мажлисда жамиятдаги долзарб масалалар ва эътиборталаб мавзулар муҳокама қилинди.



Хусусан, ёзда фуқаролар хавфсизлиги доимий эътиборда бўлмоғи керак. Оқсув ва Орис ўзанлари ҳамда тумандаги каналлар бўйида огоҳлантирувчи белгилар ўрнатилиб, назорат тадбирлари уюштирилган. Хавфсизлик талабларини бузганларга маъмурий чора қўлланилади. Шунингдек, дала ёнгинларининг олдини олиш мақсадида

Қайнарбулак ва Қорамурт қишлоқларида ёнгиннинг олдини олиш бекатлари қурилмоқда. Хавфнинг олдини олиш тадбирларига 86 нафар кўнгилли жалб этилиб, 767 чақирим минерал йўлак барпо этилмоқда. Бу ҳақда туман фавулодда вазиятлар бошқармаси раҳбарининг ўринбосари Нургўли Инкарбеков маълум қилди.

Туманда ижтимоий-сиёсий аҳвол барқарор. Туман ички сиёсат бўлими бошлиғи Жанабек Хамраев ўз маърузасида аҳоли томонидан кўтарилаётган масалаларга қишлоқ ҳокимлари ва тегишли бўлимлар томонидан ўз вақтида жавоб бериш муҳимлигини таъкидлади.

Туман ҳокимининг
матбуот хизмати.

ЭТНОМЕДИАЦИЯ РИВОЖИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР



Туркистон шаҳридаги “Дўстлик уйи”да ҚХАнинг 30 йиллигига бағишлаб “Этномедиация” мавзуида уч кунлик семинар ўтди.

Унда миллатлараро тинчликни сақлаш, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлаш, низоларнинг олдини олиш борасидаги истиқболли ғоялар муҳокама қилинди. Ҳайъат йиғилишида мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, туман ва шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари ва ички сиёсат бўлимлари раҳбарлари, қишлоқ ҳокимлари, “Жамоат тотувлиги” ДҚКнинг туман, шаҳар бўлимлари раҳбарлари иштирок этишди. Тадбирда вилоят ҳокимининг

ўринбосари Ертай Алтаев Давлат раҳбарининг топшириғи га кўра ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш йўналишида тизимли ишлар амалга оширилаётганини маълум қилди. ҚХАнинг этномедиация соҳасидаги “Тотувлашиш ва муросага келиш” лойиҳасини амалга ошириш мақсадида йил сайин семинарлар ўтказилаётганини айтиб, минтақада этномедиация хизмати тарғиб қилишда зарур тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади ва бу борада ҳамкорликда иш юритишга чақирди.

Тадбирда касбий медиатор Гулжан Қўжахметова, вилоят ҚХА қошидаги Медиация кенгашининг аъзоси, касбий медиатор Жулдиз Ўтегенова, ҚР Президенти қошидаги Давлат бошқаруви академиясининг Абай вилояти филиали директори Асет Абжақов иштирок этиб, медиация соҳасига оид мавзуларда маъруза қилди. Тадбир иштирокчилари нотикларга савол бериб, фикр аламашишди. Семинар поёнида иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

ЁШ КАДРЛАР ЗАХИРАСИГА САРАЛАШ БОШЛАНАДИ

1 июнда Президент ёш кадрлар заҳирасига навбатдаги саралаш жараёни бошланади.

Ушбу жараён давлат ахборот соҳаси кадрларига талабни ҳисобга олган ҳолда, инфратузилма, саноат ва савдо, агросаноат мажмуаси ва атроф-муҳит, ташқи сиёсат ва сармоялар, иқтисод ва молия сиёсати, рақамлаштириш, ижтимоий сиёсат ва фуқаролик жамияти каби асосий соҳалар бўйича юритилади. Номзод рўйхатдан ўтиш чоғида юқорида таъкидланган йўналишлардан бирини танлаши даркор.

Даъвогарларга қўйиладиган талаблар ўзгармади: танловда саралаш ёши 35 ёшдан ошмаган, олий маълумотли ва 1 йиллик умумий иш тажрибасига эга, давлат тилини В1 даражасидан паст ўзлаштирмаган Қозоғистон Республикаси фуқароси иштирок эта олади.

Ҳужжатларни қабул қилиш мuddати – июнь ойи pkrezerv.gov.kz расмий сайтида онлайн тартибда амалга оширилади.

Миллий комиссия мажлиси якунлари бўйича танланган илғор номзод Президент ёш кадрлар заҳирасига қабул қилинади.



“АҒАНАЙ” СУВ ОМБОРИДА УВУЛДИРИҚ ПАРВАРИШЛАНМОҚДА

Қазигўрт вилоятида балиқчиликни ривожлантириш борасидаги тадбирлар залворли. Сўнгги йилларда ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, вилоят иқтисодиётининг муҳим соҳасига айланмоқда. Давлатимиз томонидан қабул қилинган “Балиқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2030 йилгача дастури” доирасида тадбиркорлар қўллаб-қувватланиб, янги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Туман ҳокими Азизхан Исмаилов Шарбулак қишлоғидаги Ақбастау аҳоли манзилида жойлашган “Сабит” ҳўжалигининг фаолияти билан танишди. Деҳқон ҳўжалиги бошқарувидаги “Ағанай” сув омбори бугунги кунда йирик балиқчилик лойиҳаларини амалга оширмоқда.

Сув омборида 200 мингга яқин сазан увулдириқлари парваришланмоқда. Бу минтақада балиқ захираларини кўпайтириш, экологик мувозанатни сақлаш ва маҳаллий аҳолининг барқарор бандлигини

таъминлашга ёрдам берувчи лойиҳа ҳисобланади. Айни пайтда ушбу ташаббус асосида 15 киши доимий иш билан таъминланган. Келгусида йилига 1000 тоннагача балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Таъкидлаш жоизки, туман ҳокимлиги томонидан кўрсатилаётган кўмак ва деҳқонларнинг машаққатли меҳнати натижасида туманинг балиқчилик салоҳияти йилдан-йилга юксалмоқда.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

ШОИРА БИЛАН УЧРАШУВ



Фахрий устоз, кўп йиллик иш тажрибасига эга раҳбар Луиза Малабоева раҳбарлик қилаётган Оқсувкент қишлоғидаги Бобур номли умумтаълим мактабида кутубхоначилар Шаҳноза Бойшенова ва Мафтуна Қораева, шунингдек, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари Раъно Сиддиқова, Гулчеҳра Холметова, Дилдора Шакарова, Ҳалима Носировалар ташилотчилигида “Муаллиф билан китоб ўқиш” мавзuida маърифий тадбир ўтди.



Унда таниқли шоира Гули Осиё Ҳасанова иштирок этди. У муаллифлик китоблари ҳақида гапириб, ёшларни китобни чин дўст билишга, кўпроқ ўқиш ва севишга ундади. Дарҳақиқат, шоира “Китобни сев” шеърида шундай ёзади:

*Умрим гўзал бўлсин десанг, китобни сев,
Ундан ўрган илму одоб ҳам тарбия.
Яхши инсон эрсанг, мубом китобни сев,
Ҳаётингга тадбиқ айлаб ҳар сония.
Чин инсоний хуш фазилат китоб ўқиш,
Олтин – зардан устун турар илм қиймати.
Олий мактаб, ибрат кони, қалб меъмори –
Навоийлар, Бобурийлар сўз зийнати.
Ҳаёт дарси, умр нақши китобдадур,
Жонга ором ҳар бир шеъру ғазалдадур.
Ўқиб равшан қалб кўзларинг, фикринг уйғун,
Чаман кўнгул кучоғидан сочилгай дур.
Гули дегум, дўсту эрга китобни сев,
Этай десанг ҳаргиз мақсад – муродингга.
Ноеб асар, шох сатрлар битиб қўйгин,
Авлодларга қолдиражак бисотингга!*

Тадбирда иштирок этган ўқувчиларнинг шеърларни ифодали ўқиши, шунингдек, маъносини тўлиқ идрок этиши қувонтирди. Адабий учрашув қизиқарли таассуротларга бой бўлди.

З. МҮМИНЖОНОВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

ҚАРНОҚДА МАДАНИЯТ САРОЙИ ҚУРИЛМОҚДА



Газетамизда аввал хабар қилингандек, Қарноқ қишлоғида кўп йиллар орзу бўлиб келган, жами 6,6 гектар майдонни эгаллаган замонавий маданият саройи қурилиши давом этмокда.



Сайрам туманидаги Азиз Сулаймонов раҳбарлик қилаётган “РСУ-1” МЧБ қурувчилари ишни сифатли олиб боришмокда. Қарноқ қишлоғида кўп иншоотлар қурилишда иштирок этиб, мўл тажриба тўплаган олий маълумотли муҳандис Шариатулла Алиев қурилиш мутасадди вакили сифатида саволларимизга жавоб берди.

Кентов шаҳар маслаҳати раиси Қаблан Елеусизов ҳамда шаҳар маслаҳати депутати Бекзод Ҳабибов, “Жанубий Қозоғистон” собиқ бош муҳаррир-директори, ҚР Парламент Сенати депутати Алишер Сотволдиевларнинг муштарак саъй-ҳаракатлари меvasи – замонавий маданият саройи ишга тушириладиган кунлар олис эмас.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратларда: қурувчилар; фахрий оқсоқол Тўлқин Саидмуродов ва мутасадди прораб Шариатулла Алиев.

Муаллиф тасвирлари.

»»» Яссавий зурриёдлари



2025 йил 17 май куни Тошкент шаҳрида Халқаро Адабиёт, Санъат, Маданият ва Ижтимоий фанлар академиясининг илмий-маърифий анжумани бўлиб ўтди.

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, Қорақалпоғистон олимлари, фан арбоблари, ижод маданият аҳли, зиёлилар қатнашган ушбу анжуманда Иқон фарзанди Раҳматжон Абдусаттаров “Иқон ва Иқонийлар” мавзусида илмий маъруза ўқиди.

Кейинги беш йилликда Иқонийлар мавзусида олиб бораётган хизматлари академия кенгашида кўрилиб, олимлар муҳокамасидан сўнг, Раҳматжон Абдусаттаровга Халқаро Адабиёт, Санъат, Маданият ва Иж-

КЎҲНА ИҚОН ВА ИҚОНИЙЛАР

Тарихни халқ эмас, шахслар яратди.

Махмуд САЪДИЙ.


Кейинги беш йилликда Иқонийлар мавзусида тарихий ва илмий ишларни олиб бораётган Раҳматжон Абдусаттаров Туркистоннинг Эски Иқон қишлоғида Ошиқ Юсуф ота зиёратгоҳида Иқонийлар музейини очиб, ушбу музей мажмуасида сайёҳлар учун туркий тилдош улаомлар ва Иқоний алломалар мероси йўналишида ишлар олиб бормоқда.

Миср, Италия, Туркия, Ўзбекистон, Германия, Нидерландия, Англия ва Қозоғистон давлатларидан олиб келинган ва архивлардан топилаётган ноёб қўлёзмалар бугунги давр олимларини бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Кейинги 80 йилликда 8 марта археологиялик экспедициялар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган кўҳна Иқон замини ва Иқоний улуглар мероси бугунги маърифатнинг очилаётган тафаккур сандигидир. Қуйида муаллиф Р. Абдусаттаровнинг “Кўҳна Иқон ва иқонийлар” мақоласини эътиборларингизга ҳавола қиламиз.

Бепоеън қозоқ даласининг жаҳон маърифати ва тарихида из қолдирган, тарихи эраимиздан олдинги III-II асрларда бошланадиган кўҳна Иқон қишлоғининг ўрта аср даврида ўз мақомига эга бўлган тарихи ҳақида гапирмоқчиман.

21 минг аҳолиси бор, дунёнинг кўнгина давлатларига тарқаб кетган туркийлар элатидан бўлган Иқонийлар кейинги минг йиллик тарихда ўчмас из қолдириб келади. Қозоғистон Республикаси Туркистон вилояти Саврон туманига қарашли (Туркистон шаҳридан 25 чақирим масофада жойлашган) кўҳна Иқон қишлоғи илм-фан тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган буюк уламою алломалар маконидир. Афсуски, Иқоний улугларининг 1000 йилдан оша тарихга эга илм-фан ривожига қўшган ҳиссалари ёруғликка чиқмай, кўмилганча келган. Араб мамлакатларида ўнлаб олимлар, тарих фани докторлари илмий ишларига мавзу бўлган иқонийлар маърифатини Қозоғистон Республикасининг бурунги бош муфтийи, филология фанлари доктори, профессор, марҳум Шайх Абдусаттор ҳожи Дербисали ёритмагунча, туркийлар маърифатидаги Иқонийлар ўрни даярли ўрганилмай келган. Туркийлар оламининг улуг сиймоси, ислом маърифатининг мутафаккири Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари шогирди, маслаҳатчиси, замондоши Ошиқ Юсуф ҳазратлари ҳам Иқон тарихидан алоҳида ўрин олган.

Қозоғистон давлатида республика мақомига эга Ошиқ Юсуф ота мақбараси 1401 йилда соҳибқирон Амир Темур фармонлари билан бунёд этилганлиги тарихдан маълум. XII аср ўрталарида ёзилган Ошиқ Юсуф ота қаламларига мансуб ва шу кунгача сақланиб келган насабномаси бугунда Туркистон шаҳрида Иқонийларда сақланмокда. Тўққиз асрга эга бу насабнома ҳали тўлиқ ўрганилмаган. XI аср охирларида яшаб ўтган Ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг шогирди ва маслаҳатчиси бўлган Оқ (Авлиё) ота ҳазратлари ҳам Яссавий замонининг шайхлик даражасига етган улаомларидандир. Ислоом маърифати-га салмоқли ҳисса қўшган Қавомиддин Амир Котиб Иқоний (Итқоний, Атқоний) Ал-Форобий улугларининг тарихда ўрни бўлак. Қирққа яқин мамлакатларда



тимоий фанлар академиясининг Академиги унвони берилди. Муборак бўлсин!

Р. Абдусаттаров Эски Иқон қишло-

меросий китоблари сақланаётган Амир Котиб Иқоний китобларининг ўн иккитаси Қозоғистонга келтирилиб, бир неча китоблар қозоқ ва ўзбек тилларига таржима қилинди ва қилинмокда. Ўз замонида (XIII аср) Боғдод шаҳрида 25 йил қозилик хизматини бажарган, “Фикх” илмининг асосчиларидан бири, Қуръон тафсирини биринчи бўлиб туркий тилга таржима қилган, Қоҳирада илм мадрасаси солинишига сабабчи бўлган ва илм даргоҳларида умрининг охиригача устозлик этган Абу Ҳанифа тахаллусига эга бўлган Амир Котиб Иқонийнинг илм-фан тараққиётидаги хизматлари ҳам ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Амир Котиб Иқонийнинг бизнинг замонгача етиб келган ғоят катта асарлари:



“Ғойат ал-баён фи шарҳ ал-Худойа”. Изоҳи: “Ўтганларнинг баёни ҳақида Ҳидоя китоби”, “Рисола-фир рафъ ал-йад”. Изоҳи: “Қўлларни кўтариб ибодат қилмоқнинг боби”, “Рисола раддат ал-бидаъ”. Изоҳи: “Бидъатларни рад қилмоқ ҳақида”, “Ат-Табйин – шарҳ ал-Хусамий”. Изоҳи: “Табйин авлодлар ҳақида Хусамийнинг ёзганлари”, “Ал-лаъ олий алқ Масуна”. Изоҳи: “Улуғликка етишмоқлик”.

“Ғойат ал-баён фи шарҳ ал-Худойа” ва “Ат-Табйин” китоблари Иқондаги Ошиқ Юсуф ота музейида сақланмокда. Боғдод, Шом, Қоҳира каби ўрта аср цивилизацияси марказларида илм-фан хизматлари билан танилган Қавомиддин Амир Котиб Иқоний асарлари бугунги кунда Алмати шаҳридаги Египет-Қозоғистон халқаро университети ва Абу Ҳанифа халқаро илмий тадқиқот маркази олимлари (ФФД, профессор Шамшидин Керим) тарафидан ўрганилмокда ва таржима қилинмокда. Тарихда Иқон қишлоғида ўтказган ва Самарқандда Имом Бухорий ҳазратлари ёнларида дафн этилган (Жомбой тумани) Шайх Камолиддин Иқоний мероси ҳам ислом маънавиятида ўз ўрни бор. Шайх Камолиддин Иқонийнинг Яссавия тариқатидаги “Иқония” кичик тариқати бугунгача очилмаган ноёб меросдир. Шайх Камолиддин Иқоний қаламига мансуб ҳикматлар ва илм ҳазиналари ўтган йили Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази олимлари тарафидан қўлга олинди. Марказ олими, фалсафа доктори Мехрождин Омоновнинг

ғи ҳокими, Туркистон шаҳри ва Сайрам тумани ҳокимлари ўринбосари лавозимида давлат хизматида меҳнат қилган. ҚР “Дўстлик” ҳамжамиятига раис бўлган. Икки йил муқаддам Эски Иқондаги Ошиқ Юсуф ота мақбараси пойида туркийларнинг муштарак маданияти, маънавиятига оид тарихий музей мажмуасини барпо этиб, Туркистондаги “Азрет Султан” давлат тарихий қўриқ музейи таркибига ўтказди. Вилоят, туман ҳокимликлари, депутатлар, Қозоғистон, Ўзбекистон ва жаҳон кўламидаги таниқли олимлар, кенг жамоатчилик иштирок этган, ҚР Ёзувчилар Уюшмаси бошқаруви аъзоси, профессор Қулбек Ергўбек бошқарган мазкур тарихий воқеа газетамиз саҳифаларида батафсил ёритилган.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Р. Абдусаттаровга академик унвони топирилди; Иқон ва иқонийлар китоби.

“Иқоний” рисоласи ўзбек ва қозоқ тилларида нашр этилмокда.

“Адабиёт домласи” деб ном олган Миртемир ҳазратларининг адабиётга қўшган ҳиссасини ҳаммамиз биламиз. Миртемир домла “иқон” сўзининг маъносини “ишончли”, “эътиқод”, “иймон”, “самимият” тушунчасида таърифлайди.

Хонлар Ўрдаси Иқонни ўз замонларида Ошиқ Юсуф ҳазратлари, лашкарбоши Султон Ғозий, Бухоро подшоиси Абдулла Хон II (1582), қозоқ ўрта жуз хонлари Турсун Хон, Бароқ Хон (XVII-XVIII асрлар) ва Иқон фарзанди Бўкей Хонлар Хон Ўрдаси деб жорий этган.

Иқон фарзандлари -- Қозоқ адабиётининг академиги (ФФД), профессор Раҳманқул Бердибаев, филология



фанлари доктори (ФФД), профессор, академик Бахтиёр Назаров, қишлоқ хўжалиги техникалари академиги, (ТФД) профессор Абдумуталиб Ҳожиёв, биология фанлари академиги, (БФД) профессор Тошхоним Раҳимова, педагогика фанлари доктори, академик, профессор Нарзулла Муслимов ва замонамизнинг кейинги уч йилликда Иқондан ўнта фан, фалсафа докторлари, доцент ва профессорлик даражасига етган ёш авлоднинг чиқиши Иқоннинг ҳақиқатан улуг алломалар ва улаомлар юрти эканлигининг исботидир.

9 асрлик Ошиқ Юсуф ота қаламига мансуб ноёб насабномада Ҳазрати Аҳмад Яссавийнинг Иқонга ташрифиди Ошиқ Юсуфга “Сенинг зурриёдингдан қаромат кетмагай, тўртинчи авлод зурриёдинг Камол Шайхда қаромат маъно зоҳир ўлгай” дуои фотиҳасини инсоният тарихидаги Иқонийлар авлодига берилган яратилишининг инъоми деб биламиз. Тарихда баъзи бир улаомларнинг фикрича, Ҳазрати Яссавий ўз дуои фотиҳасида Шайх Камолиддин Иқоний, балким Амир Котиб Иқоний улугларига ишора берилган бўлиши мумкин, дейлади.

А. Хўжаевнинг “Иқон тарихи” рисоласида милоддан илгари 327 йилда Исқандар Зулқарнайн (Александр Македонский) лашкарлари Сирдарёдан ўтиб, Иқон қўргони аҳоли қаршилигига дуч келган ва манбаларда шу жойда қароргоҳ барпо этиб, шимолӣ Александрия шаҳрини қурган, деган маълумотлар бор.

1864 йили иқонликларнинг Чор Россияси Армиясига мардонавор кураши тарихда “Иқон остонасидаги жанг” номи билан қолган.

Раҳматжон АБДУСАТТАРОВ (Иқоний).

Эски Иқон қишлоғи.

ФИЗИКА ВА МАТЕМАТИКАДАН ВИЛОЯТ ОЛИМПИАДАСИ



ИШЧИ
КАСБЛАРИ
ЙИЛИ



«Ишчи касблари йили» доирасида техник ва касб-хунар таълими муассасалари талабалари ўртасида физика ва математика фанларидан вилоят олимпиадаси муваффақиятли ташкил этилиб, ўз ниҳоясига етди.

Мазкур заковат беллашуви Д. Қўнаев номидаги аграр-техника коллежи базасида бўлиб ўтди. Олимпиаданинг очилиш маросимида коллеж директори, тарих фанлари номзоди Сейдулла Айкузов ва Таълимни ривожлантириш марказининг техник ва касб-хунар таълими бўлими услубиятчиси Манат Қўзибаева иштирокчиларни табриклаб, уларга омад тиладилар.

Беллашув икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда иштирокчилар тест топшириқларини бажариш орқали ўз билимларини намоиш этдилар. Иккинчи босқичда мурак-

каб масалаларни ечиш орқали мантикий фикрлаш қобилияти ва фан бўйича иқтидорларини кўрсатдилар.

Олимпиаданинг асосий мақсади – физика ва математика фанларининг нуфузини ошириш, талабаларда фанга қизиқиш уйғотиш ҳамда чуқур билим олишга рағбатлантиришдан иборат. Шунингдек, ушбу танлов иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг илмий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим майдонга айланди.

Олимпиада ғолиблари: физика фанидан I ўрин – Азиз Исмоилжонов – Д. Қўнаев номидаги аграр-техник коллеж талабаси (етақчиси Улугбек Тошметов). II ўрин – Бекасил Ўқибай – Тулкибош агробизнес ва саёхат коллеж талабаси (етақчиси Ж. Эргеш). Инжу Тасболатова – Туркистон кўпсоҳали олий аграр коллежи ўқувчиси (етақчиси А. Ушақбаев). III ўрин – Шаҳзода Эркабоева – 14-сонли коллеждан (етақчиси Перизат Кўбеева). Хабиба Ўнал – 13-сонли коллеж ўқувчиси (етақчиси А. Аликулов).

Математика фанидан I ўрин – Темир Ибрагимов – Туркистон

индустриал қурилиш коллежи талабаси (Раушан Нурметова). II ўрин – Аруна Қадирбек – Туркистон кўпсоҳали олий хунар коллежи талабаси (етақчиси: Мўлдиёр Қуттибай), Эмир Тагайбаев – “Аристанбаб” олий коллежи ўқувчиси (етақчиси Меҳринисо Маҳсудова). III ўрин – Талғат Бекеев – Туркистон кўпсоҳали олий аграр коллежи (етақчиси Нуркул Асанова), Аниса Эрматова – 13-сонли коллеж (етақчиси Ербўл Ўринбаев).

Барча ғолиблар ва фаол иштирокчилар вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбари вазифасини бажарувчи А. Қасимбекова томонидан махсус мукофот ва ташақкурномалар билан тақдирландилар.

Олимпиадада фаол иштирок этган барча ўқитувчилар, раҳбарлар ва талабаларга чуқур миннатдорчилик билдирамыз!

Билим – келажак кафолати. Ёш заковатли ўқувчиларга ижодий муваффақият ва янги зафарлар тилаймиз!

Ойбек МУХИДДИНОВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

»» Заковатли миллат

Қозоғистонлик ўзбек ўқувчилари она тили – ўзбек тилини қанчалик мукаммал билишларини халқаро танловда яна бир карра исботлашди.

17-18 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтган “Ватандошлар” жамоат жамғармаси томонидан ташкил этилган Алишер Навоий номидаги I Халқаро ўзбек тили олимпиадасида Қозоғистондан 12 нафар иқтидорли ўқувчи иштирок этиб, 9та совринли ўриннинг 5тасини қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Олимпиада иштирокчилари – мактаб ўқувчиларидан иборат гуруҳга Шимкент шаҳар таълим бошқармасининг услубият маркази услубиятчиси Нилуфар Қўргонбоева ҳамда А. Навоий номли 11-сонли умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси Ақида Ўрмоновалар раҳбарлик қилишди.

Халқаро танловда иштирок этиш тартиби ва ўқувчиларга қўйилган талаблар хусусида мегаполисдаги таълим бошқармаси мутахассиси Нилуфар Қўргонбоева билан мулоқотда бўлиб, тафсилотлардан воқиф бўлдик.



– “Ватандошлар” жамоат жамғармасининг халқаро олимпиадани ўтказиш бўйича тасдиқлаган низомига кўра, хоризжда истиқомат қиладиган миллатдошлардан 9-10-11-синфларнинг ҳар биридан 4 нафардан иштирокчи ушбу танловда қатнаша олади, – дейди Н. Қўргонбоева. – Ўзбек тилининг ўрганилишини кенг тарғиб қилиш ва халқаро миқёсда унинг нуфузини ошириш, тенгдошлари билан дўстона рақобат муҳитини яратиш мақсадида уюштирилган олимпиадада иштирокчилар танловнинг мактаб, туман, шаҳар босқичидан ўтган юқори синф ўқувчилари қатнашишга муюссар бўлишди. Унда тўрт давлатдан ватандошларимиз иштирок этишди – Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Швециядан ўқувчилар онлайн тартибда иштирок этишди. Танлов шартларига кўра, ўқувчиларимиз даставвал, эссе ёзишди ҳамда тест саволларига жавоб беришди. Натижалардан хурсанд бўлдик – Муқимий номидаги 13-сонли ўрта умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Жасмина Содиқова, ушбу мактабнинг 11-синф ўқувчиси Розия Чалабоева (муаллима Дилрабо Минаварова), М. Маметова номли 111-сонли умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Дилнур Аҳмадбоева (устози Гулбаҳор Тошжўжаева), Ал Форобий номидаги 113-сонли умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Шодиёр Шомоҳмудов (устози

ЎЗБЕК ТИЛИ ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАДИ



ларга қандай талаблар қўйилди ва улар қандай синовлардан ўтганлиги билан қизиқиб, 10-синф ўқувчиси Дилнур Аҳмадбоевани суҳбатга чорладик:

– **Фан олимпиадаларида иштирок этиб, юксак натижаларни қўлга киритишга муваффақ бўлинглар, танловнинг халқаро босқичи сизда қандай таассурот қолдирди?**

– Болалигимдан физика-математика фанларига қизиқаман, мана иккинчи йилдики, устозим билан тигиз алоқада ўзбек тилидан ўтаётган олимпиадаларда иштирок этмоқдаман, – дейди Д. Аҳмадбоева. – Шаҳар миқёсида ўтган навоийхонлик танловида ҳам иштирок этиб, савринли ўринни қўлга киритдим. Устозимдан миннатдорман. Унинг саъй-ҳаракатлари билан она тилим, мутафаккирларимиз, сеvimли шоирлар ҳамда адабларимиз ижоди билан кенгрок танишиб келяпман. Тошкентдаги А. Қодирий ижод мактабида ўтган тадбирда “Ўзбек тили тарраққийетида А. Навоийнинг ўрни” мавзусида эссе ёздик. Тадбирда қарийб 50га яқин иштирокчи қатнашди. Иккинчи босқич бўйича имлога доир, матн билан ишлашга оид тест саволларига жавоб бердик. Топшириқларга жами 2 соат вақт ажратилди. Қирғизистон, Тожикистондан ватандош дўстлар ортирдим. Уларнинг мактабларидаги таълим тизими, ўқувчиларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишдик. Она тилимиз бизни бирлаштирди, дўстлик ришталарини боғлади. Шундай яхши натижаларни қўлга киритишимга сабабчи бўлган ўзбек тили ва адабиётидан сабоқ бериб, мени маънавий қўллаб-қувватлаётган устозим Гулбаҳор Тошжўжаевдан миннатдорман.

Ташкилотчилар ўзбек тилининг нуфузини ошириш борасида қимматбаҳо совринлар билан чекланиб қолишмади. Танловнинг барча иштирокчиларини “Анор” лойиҳасига кўра, Ўзбекистондаги оромгоҳда бепул ҳордиқ чиқаришга таклиф қилишди. Демак, келгуси йилда навоийхонлик янада серзавқ ҳамда билимдон ўқувчиларнинг рақобатли беллашувларига бой бўлади.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

»» Орамиздаги одамлар

ОДДИЙЛИК ВА ДИЛКАШЛИК ҲУКМРОН БЎЛСА...

Ўзбекистон этноэкспедиция вакиллари таширф буюрган Шимкент шаҳрининг Бодомортидаги хонадон – намунали яшаш тарзи ва мазали сомсаси билан меҳмонларни хушнуд этган Миррахимовлар оиласи бугун газетамиз меҳмони.

Меҳнат ва оила қадриятларини сақлаб, ҳақиқий бахт ва омад қалитини қўлга киритган ҳамшаҳарларимиз ушбу мақолада бугунги умргузаронлиги, ҳалоллик ва салимий ўғит-насихатлар қадриятлари билан ўртоқлашадилар.

Инсон зоти борки, меҳнат ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолаверади. Умрини, кунини меҳнатсиз тасаввур қила олмайдиган эрхотин Мирмахсуд ва Сайёра Миррахимовларга ҳам шу мазмундаги саволларимиз билан мурожаат қилдик.

– Меҳнатсеварлик отабоболаримиздан ўтган. Улар ҳалол йўл билан бола-чақасини боқишган, эл-юртга манфаати теккан. Шахсан бизга бутун умр ота-оналаримизнинг меҳнаткашлиги йўл-йўриқ ва дастур сифатида асқотди. Кам бўлмадик, рўзгоримизда ҳам, ишимизда ҳам хайру барака бўлди, – дейди С. Миррахимова.

– **Ўзингизни муштарийларимизга таништирсангиз...**

– Мен 1969 йили Шимкент шаҳрида таваллуд топдим. У пайтда Қуйбйшев номли жамоа хўжалиги илгор хўжаликлардан эди. Отам Нурмухаммад Содиқов курувчи, онам Гулсун жамоа хўжалигининг меҳнаткаши эди. Волидаи муҳтарамам далаларда пахта терими ва бошқа юмушларни қатъиятлик ва тиришқоқлик билан бажаргани учун доим режани ҳаммадан олдин уддаларди. Москвага таклиф қилишиб, илгор онахонини олий мукофот “Ленин ордени” билан тақдирлашган. Оқинлар онамдаги ҳалоллик ва меҳнатсеварлигини улуғлаб, унга бағишлаб қўшиқ яратилган. Ушбу қўшиқ шу пайтдаги мактабларда ўқувчилар томонидан ижро этилиб турарди. Албатта, биз фарзандлар – ота-онамизнинг айтганларини қанда қилмай, уларга издош бўлиб ўсдик. Мен 52-сонли мактабни тамомлагач, 5-сонли хунар-касб билим юртига ўқишга ки-

риб, тўқимачилик соҳаси сирларини ўргандим. “Эластик” фабрикасида ишладим. 1989 йилда Бодоморти даҳасида истиқомат қилаётган Миррахимовлар хонадонига келин бўлиб тушдим ва 36 йилдан буён шу даргоҳни азиз тутиб келмоқдаман. Турмуш ўртоғим таниқли дин пешвоси Ми-

мушда, Ирисали ҳам уйланган, яқинда уйимизда тўй, Мираидга куёв бўлиш бахти насиб этади. Хуллас, ҳаётимиздан мамнунмиз, нолимаймиз, Аллоҳга беадад шукр, невараларимиз омон-эсон ўсмоқда...

– **Ҳозирги аксар ёшларга меҳнат, айниқса, заҳматли меҳнатда омадингни синаб кўр дейилса, ҳеч иккиланмай, бу ишдан кўра савдосотиқ, илм-фан, спорт, интернет ва шу каби-лардан фойда бор, оғир меҳнатнинг даври эмас, дейишди...**

– Биз оддий меҳнат билан ўсдик. Тиркичилик ташвиши устун келгани учунми, билмадим. Лекин ҳалол меҳнатда асл баракани, ризқ-насибани кўрдик. Энди ҳозир невараларимизга, келинларимизга нафақат иш, балки илм, ибодатга ҳам вақт ажратинглар, деб ўргатмоқдамиз. Замонга яраша. Ўз ўрнида меҳнат, хунар-касб билан бирга илм билан ҳам шуғулланишларини истайман. Чунки ҳар қандай одам жисмонан, моддий томондан, ақлан қилиб, билимдон бўлса, жамият ундан наф олади. Ҳатто энг оғир иш ҳам, агар уни яхши кўриб, астойдил қилинса, енгил бўлади, дейишди-ку. Кейин, кўпчилик ёшлар фақат иш столида ўтириб, бежирим хоналарда умрини ўтказаверса, келажакда оддий меҳнатни ким қилади? Барчага бирдек зиёили, ўқимишли бўлиш, илм-фан билан шуғулланиш насиб этмайди-ку, ахир. Кимдир дурадгор, чилангар, қизлар учун эса қўл хунари – тикувчилик, каштачилик, тўқувчилик, ошпазлик ва шу каби хунарларни ҳам ўрганиш зарур-ку. Кейин оила эҳтиёжи учун қизлар уйда турли пишириқлар пишириб, тайёр махсулотларни дўконларга ўтказиб туришга ҳам ўргансалар, дуруст бўларди. Йигитларимиз ота-боболаримиз каби богдорчилик, деҳқончилик, чорвачилик ишларига меҳр қўйсалар, уларни ўзлаштирсалар, хонадон эҳтиёж сезмасди, оилавий турмушда жуда асқотарди-да.

Сайёра опадек хушмуомала аёл билан суҳбатлашиб, оддий оилаларнинг турмуш тарзи билан танишиб, оилавий ҳаётда мулоимлик, дилкашлик ҳам ниҳоятда муҳимлигини яна бир карра хис қилдик.

Н. МАВЛОНОВА.



Лолохон Худойберганова), 57-сонли умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Доно Султонмуродова (устози Феруза Йўлдошева) совринли ўринларни қўлга киритишди. Қозоғистонлик ўқувчилар она тилини яхши билишлари, Навоий бобомизнинг асарларини севиб мутолаа қилишлари, унинг бой маънавий меросини изчиллик билан ўрганаётганликларини намоён этишди. Зеро, шогирдларимиз устозларнинг саъй-ҳаракатларини илк бор ўтказилаётган нуфузли танловда муносиб оқлашди. Совринларнинг ярмидан зиёди жамоамизга насиб қилди.

Танловда иштирок этган ўқувчи-



росуф қорининг зурриётларидан. Пенсияга қадар ўт ўчирувчилик хизматида фаолият юритди. Ҳозир нафақада бўлса ҳам, севган ишини ташлагани йўқ. Хуллас, мен келин бўлган хонадонда ҳам ҳалоллик, меҳнат ва одоб-ахлоқ, оилавий қадриятлар қадрланар экан. Қайнонам Саври опа ҳам меҳнаткаш аёл бўлган, хўжалик далаларида тинимсиз ишлагани ва режани ўз вақтида бажаргани учун унга ер участкасини мукофот сифатида беришган экан. Шу жойда уй қуришиб, оиласи билан келиб ўрнашишган. Қайнотам Акбар ота ва қайнонам Саври аяларнинг 6 қизи ва 1 ўғли бўлди. Қайинэгалчиларим билан бирга тотув яшаш учун ҳам қайнонамдан кўп нарсаларни ўргандим. Тан олишим керак, уйда отамнинг кенжатоё эркатой қизи эдим. Уйда қизлари кўп бўлса-да, отамнинг меҳри менга бўлакча эди, ортиқча иш қилдирмасди. Лекин шунга қарамай, ҳаёт раъйига қарши бормадим. Ҳар қандай хонадонда фойз, барака ва хотиржамлик ҳукм суриши, энг аввало, аёл кишига боғлиқлигини тушундим. Аввал онам, кейин қайнонамдан кўп нарсаларни ўргандим. Айниқса, тандирда нон ва сомса ёпишни яхши ўзлаштирдим. Бирорта тўй-ҳашам, маърака бўлса, “Қани, тандирда сомса ёпвор-чи!”, дерди қайнонам. Шу-шу, беихтиёр “сомсапаз” ҳам бўлиб қолдим.

Яратганнинг инояти билан 5 фарзанднинг ота-онасимиз. Дилрабо, Нафиса, Холида – тур-

“Туркистон вилоятининг рухий қўллаб-қувватлаш маркази” ДКК ташаббускорлигида “Psy Talks: Замонавий рухий хизматнинг янги таҳдидлари ва имкониятлари” мавзуида вилоят анжумани ўтди.

МАКТАБ РУҲШУНОСЛАРИ АНЖУМАНИ ЎТДИ



Маъруза ҳамда амалиёт шаклида ўтган руҳшуносларнинг дастлабки анжуманида вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсенбай Тажибаев, жамоат арбоби Ўразкул Асанғазикизи, вилоят таълим бошқармаси раҳбари вазифасини бажарувчи Айгул Қасимбекова ҳамда мингга яқин педагог-руҳшунос иштирок этди.

Анжуманда барча иштирокчилар сунъий заковат ёрдамида weglobal.ai дастурида катта ёшдагиларга мўлжалланган ваҳима, тушқунлик ва стресс бочқичларини аниқлайдиган DASS21 рухий тест драйвдан ўтишди. Тестни 10 дақиқа ичида 581 киши топшириб, ўша пайтнинг ўзида натижа таҳлили иштирокчиларга экран орқали кўрсатилди. Жумладан, иштирокчиларнинг қайси тумандан келганлиги, жинси, кайфияти, олган таассуротлари таҳлил қилинди.

Йиғинда болаларнинг зўравонликка, буллингга ва кибербуллингга мубтало

бўлган ёки унинг гувоҳи бўлган вояга етмаганларни эрта аниқлаб, уларга тегишли ёрдам бериш ишларини жонлантириш зарурлиги тўғрисида гап борди. Учрашув касбий руҳшунослар билан тажриба алмашиш, янги ғоялар билан ўртоқлашиш, умумий муаммоларга биргаликда жавоб топиш учун ажойиб имкониятдир.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад – мактаб руҳшуносларининг касбий ваколатини ошириш ва ўзаро тажриба алмашиш имконини берувчи ягона касбий дастур яратишдан иборат. Анжуманда руҳшунослик соҳасидаги етук мутахассислар иштирок этиб, замонавий таълим маконида рухий хизмат кўрсатишнинг долзарб муаммолари ва истиқболларига бағишланган маърузалар тингланди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



ШАХМАТ ТУРНИРИ ЎТДИ



Тўлебий тумани маркази Ленгер шаҳридаги спорт мажмуасида “Шахмат – ақл жанги” мавзуида минтақавий турнир ўтди. Унинг очилиш маросимида иштирок этган туман ҳокими Еркеғали Алимқулов шахмат инсон онгини ривожлантирадиган ягона ўйин эканлигини таъкидлаб, мусобақа иштирокчиларига омад тилади.

ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг топшириғига мувофиқ, ҚР Ҳукумати “2023-2027 йилларда Қозоғистон Республикасида шахматни ривожлантиришнинг Мажмуавий режаси”ни тасдиқлади. Режада таълим соҳасида шахматни ривожлантириш, шу жумладан, умумтаълим мактабларининг 1-4-синф ўқувчиларига махсус дарс соатларида шахматни ўргатиш кўзда тутилган. Туман ҳудудида бу

борада тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Мусобақада вилоятдан 146 одам иштирок этди. Турнир иштирокчилари шахмат ўйини орқали ўзларининг элчиллиги, чидамлилиги, таҳлили ва мантиқий фикрлаш қобилиятларини намойиш этдилар.

Турнир якунида ғолиблар махсус совғалар билан тақдирланди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



ЎҚУВЧИЛАР – ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ



Тулкибош тумани Маданият уйида ўқув йили якунлари бўйича туман шарафини улуғлаётган билимли, ижодкор ёшлар ва уларни тарбиялаган ўқитувчиларни тақдирлаш маросими ўтди.

2024-2025 ўқув йилида туман ўқувчилари ижобий натижаларга эришдилар. Республика олимпиадаларида 21 нафар ўқувчи совринли ўринларга сазовор бўл-

са, вилоят олимпиадаларида 18 нафар ўқувчи совриндор бўлди. Бундан ташқари, енгил атлетика, ошик отиш ва бошқа спорт турлари бўйича ёш спортчилар “Миллий мактаб лигаси” республика мусобақаларида юқори натижаларни кўрсатдилар.

Тантанали тадбирда туман ҳокими Асқар Естибаев иштирок этиб, республика ва вилоят миқёсида ижобий натижаларга эришган бир гуруҳ ўқувчи ва уларнинг раҳбарларини тақдирлади.

Шунингдек, тантанали йиғилишда туман ота-оналар қўмитаси раиси М. Мирзизов ва туман касаба уюшмаси раиси Д. Абишев ҳам ўқувчилар ва ўқитувчиларни мукофотлар билан муборакбод этдилар.

Тадбир тумандаги “Өнер” мактабининг концерт дастури билан якунланиб, иштирокчиларга хушқайфият бағишлади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

УВУ фахрийси, фидойи раҳбар
Сайдан Жамолов таваллудига 100 йил

ИБРАТЛИ УМР СОҲИБИ ...

ЁКИ ЯХШИДУР ОРТИНГДАН ЯХШИ ОТ ҚОЛСА...



“Яхши одамнинг яхшилигини айт, обрўси ошсин” деган нақл бор. Агар у марҳум бўлсачи. Унда қабри нурга бўлади. Иншааллоҳ. Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган ибратли инсон Сайдан Жамолов (тасвирда) ана шундай мактовларга муносиб эди, раҳматлик.

1966 йилнинг кеч кузи эди. Победа колхози нафақат республикада, балки совет СССРда пешқадамлар қаторида давлатга пахта топшириш режасини бажариб келаётган йиллар. Ҳамма теримга сафарбар этилган. Биз ҳам мактабда ўқишни тўхтатиб ўқувчилар билан пахтага чиққанмиз. Баҳоли қудрат пахта теряпмиз. Бугун – эрта пахта плани бажарилади, деган куни оқшом автобус бузилиб қолиб, қишлоққа етолмай, даладаги пахта хирмонида қолдик. Хирмонда иш қизгин. Пахта терадиган алп комбайнлар бирин-кетин бункердаги ҳосилни тракторларга тиркалган тележаларга ағдариб, яна далага шошилмоқда. Салқин куз ҳавосидан жунжиқиб, қорнимиз ҳам обдон очган. Бирдан “Раис келди, раис келди”, деган сўзлар қулоғимизга чалинди. Оддийгина кийинган, юзидан нур ёғилиб турган раис Сайдан Жамолов кўпчилик билан хуштавозелик ила кўришар экан: “Ҳа, баракалла, режани бажаришимизга яқин қолди, суръатни сусайтирмайлик”, – деб далда берди. Сўнг бизларга кўзи тушиб, бригадирни саволга тутди.

– Нега ҳалигача мактаб ҳашарчилари далада?
– Мактаб ўқувчиларини ташийдиган автобус бузилиб кечикмоқда, – деди бригадир қимтиниб.

– Қоринларинг ҳам роса очгандир, – деди раис. Сўнг ҳайдовчисига буюрди: Машинадаги егуликларни олиб кел.

Ҳайдовчи: – Сайдан ака уйга деб олганмиз-ку?

– Қўявер, уйдагилар эртага ейишди, – деди.

Раиснинг автомашинасидан олиб келинган ширин сомсаларни ўқитувчи, ўқувчилар иштаҳа билан еб, Сайдан акага миннатдорчилик билдирдик.

– Йигитлар, суръатни сусайтманглар. Кишки каникулда илғор теримчиларни колхоз ҳисобидан саёҳатга юбортирман, – деди.

Раиснинг хизмат машинасида биз уйларимизга етиб олдик. Ҳақиқатан ҳам 1967 йилнинг январь ойида “Победа” ҳамда Бирлик мактабларидан жами 40 ўқувчи Арманистон пойтахти, Ереван шаҳрига саёҳатга бориб келдик. СССР пойтахти Москва шаҳри орқали ташкил этилган 12 кунлик саёҳат ўта файзли ва қизиқарли ўтди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Зеро, Сайдан Жамолов “Победа” колхозига раҳбарлик қилган 18 йил бадалида ҳўжаликни миллионер колхоз даражасига етказишга бор билими, ташкилотчилик қобилиятини сафарбар этиб, юксак натижаларга эришди. Шу йилларда Қорачиқ қишлоғидаги барча уйларида телевизор пайдо бўлди. Икки хонадоннинг бирида енгил автомашиналар бор эди. Вилоятда биринчилардан бўлиб мухташам клуб қурилди, ўзбек халқ театри ташкил қилинди. 1176 ўринли замонавий мактаб биноси қурилиши бошланди. Ташкилотчилик қобилияти мукамал эди. Ҳар бир оиланинг аҳволидан хабардор, лозим бўлса, қўмак кўрсатарди.

Сайдан Жамолов 1925 йили Туркистон шаҳрида оддий деҳқон оиласида туғилган. 1942-1945 йиллари Улуғ Ватан урушида иштирок этиб, икки марта ярадор бўлган. Ҳарбий комиссариатда, туман ижроия қўмитасида ташкилий бўлим мудири, котиб лавозимларида самарали меҳнат қилган. Алматидаги олий партия мактабини тамомлагач, туман ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, партия қўмитасининг йўриқчиси, бюро аъзоси сифатида кўп меҳнат қилди. Партия йўлланмаси билан 1962 йили энг йирик “Победа” колхозига раис бўлиб тайинланди. ПМК-7 корхонасида раҳбар, 1982 йилдан умрининг охиригача Туркистон туман ижроия қўмитасида ташкилий бўлим мудири бўлиб ишлади. Илғор “Победа” колхозига ташриф буюрган Қозоғистон раҳбари, КПСС МК сиёсий бюроси аъзоси Динмухаммед Қўнаев билан бир неча марта учрашиб, суҳбатда бўлган. Сайдан Жамолов 1985 йили 60 ёш арафасида оғир касалликдан вафот этди. Охирати обод бўлсин.

Умр йўлдоши Башорат ая билан қобил фарзандлар тарбиялаб, вояга етказган. Тўнгич ўғли Дадажон шаҳардаги автосервисни бошқарган, дўсти Эркин Исқандар ўғли билан Ленинграддаги Эрмитаждан тарихий дошқозонни Туркистонга қайтариб олиб келишга бевосита иштирок этиб, ҳисса қўшган. Дилмурод – ремонт-механика корхонасида директор. Дилором – Кентов тиббиёт бирлашмасида шифокор. Клара – иқтисод соҳасида меҳнат қилишди. Жамоловлар сулоласи Туркистонда меҳнати билан танилган қадрли оилалар.

Сайдан Жамоловнинг фидокорона меҳнатлари Ленин, Қизил Юлдуз, икки марта Ҳурмат белгиси орденлари, саккизта медаль, хусусан, СССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасининг иккита олтин, битта кумуш медали билан тақдирланган. Қозоғистон коммунистлари 13чи съездининг делегати бўлиб сайланган.

Миннатдор Қорачиқ қишлоғи аҳли оқил, меҳрибон раҳбар Сайдан Жамолов хотираси ҳурматига улкан кўчаларнинг бирига унинг номини берган. Яхшидур ортингдан яхши от қолса...

Қодир АҲМЕДОВ.
Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.

Обуначиларимиз орасида

АШИРБЕК СИҒАЙ НОМЛИ МАКТАБДА

Таниқли театршунос олим, марҳум Аширбек Сиғай номидаги умумтаълим мактаби Чоға қишлоқ округига қарашли “Қозоғистон 30 йиллиги” қишлоғида жойлашган.

Мактабнинг тажрибали кутубхоначиси Дамира Джуманова (тасвирда) келаси ярим йилликка мактаб жамоаси бошқа нашрлар қаторида почта орқали 16 нусха “Жанубий Қозоғистон” газетасига обунани расмийлаштиришини маълум қилди. Тахририятнинг ташаккурномаси тақдим этилган кутубхоначини театршунос олим А. Сиғай ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўргазма ёнида тасвирга олдим.



Ш. МАДАЛИЕВ.



Туркистон шахрида истиқомат қилувчи кайвони онахон Ҳайриш Марозиқ қизи 103 ёшни қарши олмоқда. Туғилганлик гувоҳномасини кейинроқ олганлиги боис, туғилган йили 1925 йил дея кўрсатилган.

“Мен аслида 1922 йили баҳорда таваллуд топганман, онам шундай деган”, дейди биз билан суҳбатда Ҳайриш Эргашова. Эшитиш қобилияти, ақли расо онахон еб-ичишидан шикоят қилмайди.

У бошланғич мактабни тамомлаб, болаликдан хўжалик далаларида меҳнат қилгани боис, ҳамон тетик. Бир кунда 100-150 кг пахтани қўлда териб, номи туманда илғор теримчилар қаторида тилга олинди. Машъум уруш йиллари фронтни озик-овқат, кийим-кечак билан таъминлашга муносиб улуш қўшган онахон кейинчалик 20 йил бадалида мактабда фаррош бўлиб ишлади. Ҳалол меҳнати билан обрў-эътибор қозонди.

Умр йулдоши раҳматли Иззатулла Эргашов билан беш фарзандни вояга етказишди. Ёлғиз ўғли Оллоберган ва келини Ровзалар ардоғида бахтли ҳаёт кечираётган онахон 28 неvara, 100дан зиёд эvara-чеваралар қуршовида умргузаронлик қилмоқда. Ҳайриш Марозиқ қизига узоқ умр, тани соғлиқ тилаб қоламиз.

Ҳа, онахоннинг фарзандлари ҳам ўзидан кўпайган серфарзанд заҳматкаш инсонлар.

Саид ХАЙРУЛЛОҲ.

Тасвирларда: аср юзини кўрган онахон фарзандлари, неvara-чеваралари даврасида.



»»» Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари

АЙТГАНИНИ ҚИЛДИРАДИГАН “ҚЎМОНДОН” АММА

Одатда қўмондон, генерал унвони армияда зобитларга берилади. Лекин ушбу мақоламиз қаҳрамони, ҳаётда кўп қийинчиликларни ҳалол меҳнати билан енгган, иродаси мустаҳкам аёлга, “генерал” унвони кўпчилик қариндош-уруғлари, оила-аъзолари томонидан берилган.

Тошкентда кўп йил муқаддам тўқсон ёшни қоралаб қолган Зулфия аммамиз вафот этдилар. Жаноза намозидан сўнг мархуманинг жасади солинган тобутни кўтараман деганлар кўп, йиртиш тарқатилганида талаш бўлганлиги аини ҳақиқат.

Зулфия аммамиз ҳаёти қийинчиликларга мўл бўлди. Ўғли ва қизига ҳам ота, ҳам она бўлган Зулфия амма уруш йилларидаги жудодикларни сабот билан енгди. Ўғлини қийинчилик билан ўқитди. Ўқишини тугатган ўғли Тошкент текстиль комбинатида ишга жойлашганида, онаси оила ташвишларидан андак қутилгандек бўлган эди. Ўғлининг яхши ишлари эътиборга олиниб, уни комбинат партия қўмитасининг котиби вазифасига тайинлашади. Лекин, машъум уруш барча режаларни чилпарчин қилди. Ўғли ихтиёрий равишда фронтга отланади. Орадан бир йил ўтар-ўтмас ёлғиз ўғлидан келган қора хат онанинг қаддини букиб қўйди. Зулфия аммамиз 10 ёшга тўлмаган қизи билан қолди. Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида яшовчи оиланинг моддий аҳволи кундан-кунга оғирлашиб борарди. Сабоби урушга кетган укасида қолган етимларни боқиш ҳам унинг зиммасида эди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, болаларнинг қорни тўйиб овқат емайдиغان бўлади. Гапирган гапини кесиб-кесиб, далиллар билан исботлаб ишонтирадиган аёл республиканинг биринчи раҳбари қабулига арз билан киришга муваффақ бўлади. Аҳволини тушунган раҳбар унга ой сайин бериладиган нафақа кўмак тайинлайди. Етим фарзандларни шу тариқа улғайтирган мушטיפар онага кўни-кўшнилар “генерал”, деган ном қўйишади. Маҳалладагилар ҳукуматга қилинадиган арзларини шу опа орқали битирадиган бўлади. Иккинчи воқеага эса ўзим гувоҳ бўлганман. Мактабни тамомлаб, Тошкентга ўқишга борган 1966 йили кучли зилзила рўй берди.

Йиқилган эски уйлар ўрнида қурилиш ишлари жадал давом этаётган қизгин палла. Бахтга қарши мен шу йили институтга kira олмадим. Келгуси йили киришни аҳд қилиб, Тошкентда қолдим. Чунки уйга кетсам, қайтиб келолмаслигимга кўзим етарди. Уйдан олиб келган пулим тугаган, яна пул сўрашга виждоним йўл қўймайди. Ишга кириб пул топиш зарур эди. Ўша пайт қонун-қоидаларига биноан Тошкентга ишга кириш учун шаҳарда яшайди, деган прописка керак эди. Табиийки, бу менинг қўлимдан келмасди. Бир неча ташкилотга иш излаб бордим. Лекин иложи бўлмади. Бор умидимни узиб, энди Туркистонга кетаман, деган кунларнинг бирида Зулфия амма: (аслида дадамларга амма бўладилар, мени “аммамнинг бузоғи” деб эрқалардилар) “ҳа, аммамнинг бузоғи, нечук мен еб, сен куруқ қолгандай қовоғингдан қор ёғаяпти”, деб сўраб қолдилар. Аҳволимдан воқиф бўлгач, қаерга ишга кирмоқчилигимни сўради. Кўнглимда босмахонада ишлаш ниятим бор эди. Амма билан бамаслаҳат ҳолда бир неча бор уриниб ишни битираолмагач, Навоий кўчасидаги учинчи босмахонага бирга бордик. Дастлаб аввалги натижа – иш йўқ, деган жавоб айтилди. Охирида Зулфия амма шундай деди: “Агар шу неварамни ишга олмасанг (мени назарда тутяпти), биз бу ердан кетмаймиз. Бизни ҳам боқасан”. Директор нима дейишини билмай қолди. Аммам гапида қатъий туриб олди. Ноилож қолган босмахона раҳбари “эртага келсин, ишга оламан”, деди. Эртасига юрагим така-пука бўлиб келганида кадрлар бўлими бошлигини чақириб, “бу йигитни муқовалаш цехига ишчи этиб расмийлаштиринг”, деди.

Шу тариқа мен орзу қилган жойимга ишга жойлашдим. Бўш пайтларимда кўп китоб ўқирдим. Зулфия аммамиз ҳамма жойда ўз сўзини ўтказадиган, ҳақиқий “генерал амма” эди.

Аллоҳ раҳматига олган бўлсин.

Қодир АҲМЕДОВ,
Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.

»»» Турмуш чорраҳаларида

Ҳамиджон шахар туғруқхонаси ҳудудида эрталабдан бери нари-бери юравериб, чарчаб кетди. Ичкаридан хабар йўқ.

– Камола деган аёлни сиз олиб келган-мисиз?

Ҳамиджон эшикка яқинроқ келди. Келди эмас, биратўла югуриб келди.

– Ҳа, ҳа, нима гап?

– Аҳволи оғир, ўзи ҳам, бола ҳам қийналиб қолган. Агар туға олмаса, жарроҳи қилишга тўғри келади.

– А, шунақа денг...

Камола Ҳамиджоннинг катта опаси.

Турмушга чиққанидан буён уканинг тинчи йўқолди. Почча дегани муштумзўр чиқди. Урмаган, хафа қилмаган куни йўқ. Мана, энди уйга ҳам ҳайдаб юборибди. Ой-куни яқин ёш хотинни укаси туғруқхонага жойлаштирди.

Ҳамиджон Камоланинг туғруқхонада эканлигини, аҳволи оғирлигини куёв болага етказди. Лекин у келмади. Ҳа..., бутунлай келмади. Ука ич-ичидан эзилди, лекин ноилож дўхтирлар билан ўзи гаплашди, керакли дори-дармонларни ўзи етказди, неча кун касалхонага қатнади. Ниҳоят, Камолага рухсат беришди, ука она-болани ота уйига олиб келди.

Орадан вақт ўтди. Она-болани излаб, ортидан ҳеч ким келмади.

Уларнинг таъминоти яна ука зиммасига тушди. Туғилган чақалоқ жуда нимжон эди, дамба-дам касал бўларди. Тоға яна дўхтирма-дўхтир, дорихонама-дорихона югурди. Хонадоннинг яккаю ёлғиз куёвига хабар беришди, ундан эса дарак йўқ эди. Ёшлар ҳали ажрашмаган, фақат куёвнинг кибридан бошқа гап йўқ...

Ука поччасининг уйига йўл олди...

– Ҳомиладор ҳолида итдек қийнаб, яна камига уйга ҳайдаб юбордингиз, индамадик. Туғруқхонага боргач, роса қийналди, хабар бердик, келмадингиз. Қизингиз туғилди, яна йўқсиз... Уйга олиб чиқдик, ишингиз ҳам бўлмади. Бола тинмай оғирйди, на хабар оласиз, на бирорта ёрдам берасиз, қандай эркаксиз ўзи?

Куёв қайнисининг сўзларини индамай эшитди. Ҳамиджон қаршисида хонадонга не-не орзу умидлар билан куёв бўлган йигитни эмас, балки совуқ, бир бегона киши ўтирганини ҳис этди.

– Опанга ноиложликдан уйланган эдим, чунки онам касал эди. Ётиб қолган оғир беморга қараш, уни парварिश қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Яхши жойдан қизлар бундай шароитга кўнмайди. Бўлмаса... Мендек келишган, ўзига ишонган йигит келиб-келиб сенинг опанга уйланармиди... Ўзинг бир ўйлаб кўр-чи. Нима, менинг уйимда у ўзини шоҳона ҳаёт кутади, деб ўйлаганмиди? Бир кун ҳам келинлик бурчини мен ўйлагандек бажара олмади... Онам дунёдан ўтди, энди менга ундай хотиннинг кераги йўқ.

Ҳамиджон бу гаплардан қарахт бўлиб қолди. Кўнгли ўксиди, ўзини ҳақоратлангандек ҳис этди, мушти туғилди.

– Ҳали кўрасан сен номард, опамнинг ҳам, боланинг ҳам уволи тутади сени...

Касалхона деворлари, черков деворларига қараганда кўпроқ самимий дуоларни эшитган... Айнан касалхонада ўзига тўқ врач қашшоқ бир кимсанинг ҳаётини сақлаб қолганлигини кўриш мумкин.

Жонлантириш бўлимида яхуди шифокор яхудиайлар душманига ғамхўрлик кўрсатаётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Полициячи ва махбус бир палатада ётиб, бир хил ёрдам олади. Жигар кўчириб ўтказишни кутиб ётган бой-бадавлат инсон камбағал бир донорнинг жигарини қабул қилишга шай бўлиб туради. Илоҳий донишмандлик бошига иш тушган турли ижтимоий қатламга мансуб одамлар тақдирини касалхонада ўзаро кесиштиради.

Тақдирнинг одамларни бун-



ИККИ ЎТ ОРАСИДА

– Қўлингдан келганини қил!

Гап-сўз шу билан тугади. Нафрат тўла кўзлар, совуқ, мағрур ва бемехр юзга ортиқ қарашни истамаган Ҳамиджон ўрнидан турди. Уйига қандай етиб келганини билмади ҳам. Бу ҳангомадан хабар топган Камола қаттиқ оғриб қолди.

Орадан йиллар ўтса ҳам, бемехр ота шу бўйи қорасини кўрсатмади, улардан бирорта марта хабар олмади. Судда таниш топиб, ажримни расмийлаштирди, болага алимент ҳам тўламади.

Атиги 3-4 ойгина келин бўлиб, кейин турмуши бузилган Камолага бир неча жойдан совчи чиқди, лекин у қизини ўйлаб, рад жавобини берди.

... Ҳамиджон уйланди, ўзининг фарзандлари дунёга келди. Энди Камоланинг қизи, жияни истаган пайтида унинг кучоғига отилмас, тоғаси у билан ҳар доимгидек ўйнаб-куполмасди.

– Катта қиз бўлиб қолдинг-ку,— деди бир куни бегонасираб, қизчани четга сунриб.

Қизалоқ шу куни ҳеч ким билан гаплашмади, на овқат еди, на сув ичди. Афсуски, у энди ҳеч кимга керак эмас. Мурғак қалби буни англади. Онаси ҳам куни бўйи ишда, ёлғиз боши билан боласини оёққа турғизишни ўйлайди. Бувиси эса кекса ва касалманд, унга неваранинг хархашаси керак эмас. Фақат ишонгани ўша меҳрибон тоғаси эди...

Кўчадаги тенгқурларининг гапи тўғри чиқди.

“Сенинг отанг йўқ, ташлаб кетган, сен ҳеч кимга керак эмассан”...

Мана, орадан 20 йил ўтди. Ўша отаси ташлаб кетган қизнинг тўйи бўлади. Бу давр ичида ўша йиғлоқи, нимжон қизчадан асар ҳам қолмаган. Чет элга кетиб, тинмай ишлади, мол-дунё йиғди. Ўқсик қалбидаги алами, маҳзунлик унга катта куч, умид ва ишонч берди.

Бугун егани олдида, емагани ортида.

Фақат, бу ёрғ дунёда уни қийналиб ўс-тирган онаси, бувиси, тоғасидан бошқа ҳеч кими йўқ. Отаси-чи, нега у билан учрашмай-

ди, нега ўзи уни йўқлаб бормайди? Бир куни шу саволдан ўзи чўчиб кетди. Болалигида қанчалик зор эди уни бир бор кўришга...

“Сенинг отанг йўқ, ташлаб кетган, сен ҳеч кимга керак эмассан”...

Бу гаплардан яна кўрқиб кетди. Кўксини чаггаллаб йиғлаб юборди.

Эрталаб онаси қизидagi ўзгаришни сезди. “Нима гап, нега рангинг оқарган, кўзларинг қизарган?”.

– Отам билан учрашаман!

– Уни нима қиласан, нимага керак энди? Умрида бирор жойда ёлчитиб ишламади, сенга, менга ёрдами тегмади. Ҳозир бизда ҳамма нарса бор, уй-жой, даромад, энди отанинг нима кераги бор, тинч ҳаётимизни бузма...

Қиз онасининг бу гапларидан хафа ҳам бўлмади, жавоб ҳам бермади, фақат индамай уйдан чиқди.

Пешинда отасини машинасида уйига олиб келди.

– Уни кечиринг, нима бўлганда ҳам у менинг отам-ку!

“Меҳрибон эр ва ота”ни кўрган Камоланинг ранги ўчиб, турган жойида қотиб қолди. Нима қилсин, ҳайдаб солсинми, бақир-чақир қилсинми ёки қизининг раъйига қарасинми...

Қизи дарҳол дастурхон тузади, отасини меҳмон қилди. Бирор соатлар ота-бола гаплашиб ўтиришди.

Камола эса уйга кирмади, қўшнисиникига чиқиб кетди.

Қизи негадир бечораҳол отасига раҳми келди, кетар чоғида қўлига бир даста пул ҳам берди. “Тўйга ул-бул оларсиз”, деди.

Шундан кейин отасини яна икки-уч марта уйга олиб келди. Камола бугунги кунда икки ўт орасида. Қизининг қатъий феълени билди, ўта иродали, бир сўзли. Собиқ эрини кечириб, бирга яшай деса, энди кексайганда унга у кишининг нима кераги бор...

Кечирмаса, қизи отасини йўқлаб турибди, уйдан жой бераяпти... Опа укасининг юзига қандай қарайди...

ҲАМРОЗ.

РИМ ПАПАСИНИНГ ЎЛИМИ ОЛДИДАН ЁЗГАН МАКТУБИ

дай юзма-юз келтиришида ёлғиз ўзимиз ҳеч нарсасига ярамаслигимизни тушуниб етамиз. Касалхона – бу одамлар юзларидан ниқобни ечиб қандай бўлсалар шундайликларича ўзларининг асил башараларини намоиш қиладиган жой.

Бу ҳаёт тез ўтиб кетади, шу боис уни одамлар билан курашишга сарфламаг. Ўз вужудингизга ҳадеб танқидий кўз билан қарайверманг. Ҳаддан зиёд нолайверманг. Пулларингиз сақланган банк ҳисоб рақамларини ўйлайвериб уйқунгиз қочмасин. Яқинларингизни албатта қучиб,

ўпиб қўйинг. Уйингиз бекам-кўст саранжом-саришта бўлишини ўйлаб ҳадеб сиқилаверманг. Моддий бойликлар ҳар бир инсоннинг ўзи томонидан ҳалол меҳнат билан ишлаб топилиши керак – мерос йиғиш ва қолдиришга мукангиздан кетманг. Сиз жуда кўп нарсани кутасиз ва орзу қиласиз: байрамларни, жума кунини, янги йилни, ҳамёнингизда пул бўлишини, ҳаётингизга муҳаббат кириб келишини, ҳамма нарса мукаммал бўлишини... Яхшилаб қўлоғингизга қуйиб олинг: бу дунёда мукаммалик йўқ! Инсон мукаммаликка эриша олмайди,

чунки одамзот мукаммал яратилмаган. Бизга фақат ҳаётдан таълим олиш имконияти берилган.

Ўзингизни ҳурмат қилинг, ўзгаларга эҳтиром кўрсатинг. Тақдир пешонангизга ёзган йўлдан юринг, бошқалар сиз учун танлаган йўлга қадам босманг. Танбёх берманг, ҳукм чиқарманг, бировнинг ишига аралашманг – одамларни ҳурмат қилинг. Уларни кўпроқ яхши кўринг, кўпроқ кечиринг, уларни кўпроқ бағрингизга босинг – бадастир ҳаёт кечиринг! Қолган барчаси эса Яратган эгамнинг қўлида.

Папа ФРАНЦИСК.

ИЛМИЙ ДАРАЖАДА ЎРГАНИЛМОҚДА

Шу кунларда минтақамизга қўшни Ўзбекистондан халқаро этнофольклор экспедицияси ташриф буюрди. Ўзбекистон Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот институти ходимлари томонидан ташкил этилган ушбу гуруҳ таркибидо олимлар, тарихчилар ва маданият ходимлари мавжуд. Айни дамда Сайрам тумани, Шимкент ва Туркистон шаҳарлари бўйича экспедиция ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Бу ҳақда 4-сонли Сайрам мусиқа мактаби директори Шокир Умаров билан суҳбатлашдик.

– Ўзбекистонлик делегацияни кутиб олиш, вилоятимиз бўйлаб сафарини ташкиллаштириш масалаларида ҳар доимгидек ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти (И. Ҳошимжонов) ва унинг жойлардаги тузилмалари масъул, айтиш жоизки, ишимизни меҳмонларни ўзимиз фаолият юритаётган даргоҳларимизга олиб боришдан бошладик. Бугунги кунда Сайрам даҳасидаги 4-сонли Мусиқа мактаби республикада ягона ўзбек халқи санъатини ўргатадиган муассаса ҳисобланади. Меҳмонлар маҳаллий ўзбекларнинг яшаш тарзи, фольклори, урф-



одатлари, анъаналарини ўрганиш мақсадида келгани сабабли, мактабимиз билан танишиш улар учун мароқли бўлди. 125 нафар ўқувчи тахсил олаётган даргоҳда анъанавийлардан ташқари, ўзбек миллий мусиқа чолғу асбобларидан фойдаланиш сирлари ҳам ўргатилади. Қолаверса, вакиллар келган пайтда ўқувчиларимиз имтиҳон топшираётган эдилар, бу жараён ҳам меҳмонларга қизиқарли бўлди. Анча таассуротлар олишди.

– Меҳмонлар яна қайси ташилотларга боришди?



– Делегация маданият йўналиши бўйича ташриф буюргани сабабли биз ҳам халқ ижодиёти, анъаналар ва санъат борасидаги кўп йиллик тажрибаларимизни намойиш этмоқдамиз. Масалан, Сайрам даҳасидаги энг кўп ўқувчига ҳамда энг кўп давлат грантига эга илм маскани – 107-сонли умумтаълим мактабидаги музейга олиб

бордик. Музейдаги экспонатлар – Сайрам заминининг бой тарихи, улуғ шахслари ҳақидаги материаллар меҳмонларда чуқур таассурот қолдирди. Айниқса, ўзбек фольклорига оид китоблар тақдими унутилмас бўлди. Иброҳим ота, Қорасоч она, Балоғардон бобо мақбаралари, Сайрам тарихий музейи, Ўзбек драма театри, Мартўбе

тепалиги ва маҳаллий уста Азамат Солиев хонадони каби (дўмбира тайёрланади, барча ўзбек миллий чолғу асбоблари ясалади, таъмирланади ва ҳоказо) манзилларда Қозоғистон ўзбекларининг тарихий ва маданий ҳаёти, шеваси ва зиёратгоҳлари, афсона ва ривоятлари, умумий мусиқий кадриятлари ўрганилди. Дарвоқе, театримиздаги учрашув



Оваҳдайт

“ҲАР ЙЎҚТУР АДАБ,
НЕ СУД ОЛТУН УНИДИН,
ЭЛНИНГ АДАБИ ХУШРОҚ
ЭРУР ОЛТУНИДИН”.

Алишер НАВОЙИ.

(Мазмуни: “адаб бўлмаса, олтиннинг жарангидан не фойда? Кишининг адаби унинг бойлигидан яхшироқдир”).



Шерназар Қўшназаров ҳикматлари

- Ақллиларга эмас, машхурларга ишонамиз.
- Арава ғилдирагининг кўплиги отга ортиқча юк эканини билмаган ҳукуматлар бюрократик ташкилотларни кўпайтиради.
- “Балиқ бошидан сасийди” деган мақол борлиги учунми, ишқилиб... бошсиз балиқлар доим қимматроқ бўлади.
- Заҳарни заҳар кесар, деган гап рост: гоҳида пора билан тўтилганлар пора билан қўтулади.
- Камбағал халқнинг ўғрилари бойиб кетиши – парадокс.
- Партиялар ичида қонунга қатъий риоя қиладигани – шахмат партияси.
- Суд – коррупция университети ва ундан адолат талаб этганлар талабаликдан ҳайдалади.
- Танқид ва мақтовда ҳолис бўлмоқ душвор.
- Тепишдан гумонингиз бўлган оёқни асло ўпманг.
- Тирикларнинг қилғилиқларига эътибор қаратганингиз сайин дўзах тубсиз эканига имон келтира бошлайсиз.

ЎЗБЕК НИМА ДЕЙДИ...

Янги ой ниққанда

- Шу кунларга етказганига шукур.
- Янги ойнинг олтин ўроғи кўринди.
- Янаги ой, янаги кунларга ҳам етиб юрайлик, омин.
- Ой ўзига тинч, бизга нотинч (ўроғи ер томон) тугибди.
- Худога шукур, етказганига шукур.
- Ой оёза ўхшамас.
- Ой ойдан ёруғ.
- Ойнинг умри – ўн беш кун.



Ўткир ҲОШИМОВ,
халқ ёзувчиси.

АДОЛАТ

Адолат битта бўлади, дейиш соддаликдир. Адолатнинг қиёфаси минг хил бўлиши мумкин. Бу – унга қаёқдан қарашга боғлиқ.

ХАЗИНА

Дунёда энг бебаҳо, аммо ҳамиша текинга тарқатиладиган хазина бор. Бу – Она меҳри...



Хотира шундай тўғуки сукут билан ҳам кўзингни ёшлатади...

Стефан Звейг.

Одам зиддиятлардан яратилган, унинг софлигига баъзан фаришта ҳавас қилади, баъзан эса унинг тубанлигидан шайтон ҳам ҳайратга тушади!

Жалолиддин РУМИЙ.

КСЕНОФОНТ ҲИКМАТЛАРИ

(МИЛОДАН АВВАЛ ЯШАГАН ЮНОН ЁЗУВЧИСИ ВА ТАРИХЧИСИ)

- Подшоҳларнинг жуда кўп кўз ва қулоқлари бўлади. Агарда биров подшоҳларда ҳам кўз бир жуфт бўлади деб ўйласа, у киши яналишади.
- Бахтга эришолмасликка қараганда, кўлдан чиқарилган бахт жуда аламли бўлади.
- Раҳбар кўл остидагилардан фаровон яшаш тарзи билан эмас, меҳнатсеварлиги ва воқеаларни олдиндан башорат қила олиши билан фарқланиши зарур.

Табобат

Халқ табобатида аччиқ тошнинг фойдаси

Аччиқтош халқ табобатида ва тиббиётда азалдан қўлланилиб келинади. Ибн Сино: «Аччиқтош қўшилган сирка билан оғиз чайқалса, тишларнинг қимирлашига ва қонашига қарши фойда қилади», дея таъкидлаган.

Қизил Сабзи шарбати циститни даволайди

Ҳа тўғри ўқидингиз. 200 гр. соф қизил сабзи шарбати бир кўтаришда ичилади. 2 соатда циститдан асорат ҳам қолмайди.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.	Масъул шахслар: <i>Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ.</i> +7701-610-51-22 <i>Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ.</i> +7701-447-37-42 <i>Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ.</i> +7702-278-96-90 <i>Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА.</i> +7747-144-60-71 <i>Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА.</i> +7701-257-36-97 <i>Келес, Сарвоғоч – Малика ЭЛТОЕВА.</i> +7702-841-78-82 <i>Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ.</i> +7708-824-20-97	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават. Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66. +7778-618-39-05. <i>Электрон почта: janubiy@inbox.ru</i>
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҲРОНБОВЕВ.	● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.	<i>Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VРУ00022503 гувоҳнома берилган.</i> “ЕРНУР-принт” МҲБ босяхонасида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.	Бюроғам 1160. Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.
Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.	Қозоғистон Республикасида тарқатилади.		Нашр кўрсатқичи – 65466. Адади – 11300 нуска.